

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 205109 на приобретение Чирчиқ шахри (Хамза МФЙ) бош режа схемалари ишлаб чиқиш**

Способ проведения электронный

Дата 20.12.2022

Время рассмотрения 03.12.2022 12:41

Конкурсная комиссия Тошкент вилояти Архитектура ва курилиш бош бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	PO'LATOV ELMUROD TOXTABOYEVICH	Рахбар	Тошкент вил КББ
<b>Секретарь комиссии</b>	XUJABEKOV ABDULAZIZ ASHIRBOYEVICH	Мутахассис	Тошкент вил КББ
<b>Член комиссии</b>	IBRAGIMOV ASLIDDIN XOLMUXAMMADOVICH	хисобчи	Тошкент вил КББ
<b>Член комиссии</b>	SAIDXODJAYEV BUNYOD SAYDIGANIYEVICH	Бошлик уринбосари	Тошкент вил КББ
<b>Член комиссии</b>	NISHONOV DAVLATBEK ISMOILOVICH	Булим бошлиги	Тошкент вил КББ
<b>Член комиссии</b>	ABDULLAYEV XUSNIDDIN SAYFULLAYEVICH	хисобчи	Тошкент вил КББ

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 20.12.2022 года № лота 205109.

Метод оценки предложений – Бальный метод

Мин. балл: 8

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга по проектно - изыскательной работе</b>
Подробное описание	Чирчиқ шахар Хамза мфй бош режа схемаларини ишлаб чиқиш
Количество товара	1.00
Единица измерения	усл. ед
Цена товара (услуги) за единицу	9 051 300.00
Стартовая сумма	9 051 300.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги ПҚ-172-сонли қарори ва шахарсозлик талаблари асосида лойихани ишлаб чиқиш жамоатчилиги муҳокамасидан ўтказиш

Тип: Текстовое значение

Описание: Чирчиқ шахри (Хамза МФЙ) бош режа схемалари ишлаб чиқиш

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО "QISHLOQQURILISHLOYIHA"	10	10	9	Экспертная		
"TOSHKENTBOSHPLANLITI" davlat unitar korxonasi	10	Хамма хужжатлар	10	Экспертная		

Критерий №2 Солиқдан қарздорлиги тўғрисида хужжат молявий натижа баланс

Тип: Текстовое значение

Описание: Чирчиқ шаҳри (Хамза МФЙ) бош режа схемалари ишлаб чиқиш

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО "QISHLOQQURILISHLOYIHA"	10	10	9	Экспертная		
"TOSHKENTBOSHPLANLITI" davlat unitar korxonasi	10	Справка с банка	10	Экспертная		

Критерий №3 Корхонага таалукли барча хужжатларни асл нусхасини тақдим қилиш зарур Гувоҳнома, Устав, Тасис Шартномаси, НДС гувоҳнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Чирчиқ шаҳри (Хамза МФЙ) бош режа схемалари ишлаб чиқиш

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО "QISHLOQQURILISHLOYIHA"	10	10	9	Экспертная		
"TOSHKENTBOSHPLANLITI" davlat unitar korxonasi	10	Хамма хужжатлар	10	Экспертная		

Финансовое значение

Наименование товара: Услуга по проектно - изыскательной работе

Наименование участника	Ценовые предложения			Порядок оценки ценовых предложений	
	Стартовая сумма (UZS)	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Коэффициент, используемый для расчета предложений нерезидентов	Итоговое значение (UZS)
"TOSHKENTBOSHPLANLITI" davlat unitar korxonasi	9 051 300.00	9 000 000.00 UZS	9 000 000.00	00.00	9 000 000.00
ООО "QISHLOQQURILISHLOYIHA"	9 051 300.00	9 050 000.00 UZS	9 050 000.00	00.00	9 050 000.00

Оценка участников финансовой части составила:

Стартовая сумма составляет 9 051 300.00 UZS

Наименование участника	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Коэффициент, используемый для расчета предложений нерезидентов	Общее значение (UZS)	Дата предложения
"TOSHKENTBOSHPLANLITI" davlat unitar korxonasi	9 000 000.00 UZS	9 000 000.00	00.00	00.00	9 000 000.00	16.12.2022 11:13:29
ООО "QISHLOQQURILISHLOYIHA"	9 050 000.00 UZS	9 050 000.00	00.00	00.00	9 050 000.00	14.12.2022 15:58:42

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
"TOSHKENTBOSHPLANLITI" davlat unitar korxonasi	90	10	100
ООО "QISHLOQQURILISHLOYIHA"	81	9.94475	90.94475

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 205109 от 20.12.2022 года на приобретение Чирчиқ шахри (Хамза МФЙ) бош режа схемалари ишлаб чиқиш определила победителем:

"TOSHKENTBOSHPLANLITI" davlat unitar korxonasi  
200624959

и резервный исполнитель: ООО "QISHLOQQURILISHLOYIHA" ( 206994012 )

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	PO'LATOV ELMUROD TOXTABOYEVICH	Согласен	
Член комиссии	IBRAGIMOV ASLIDDIN XOLMUXAMMADOVICH	Согласен	
Член комиссии	SAIDXODJAYEV BUNYOD SAYDIGANIYEVICH	Согласен	
Член комиссии	NISHONOV DAVLATBEK ISMOILOVICH	Согласен	
Член комиссии	ABDULLAYEV XUSNIDDIN SAYFULLAYEVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

**Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича  
205109-сонли шартнома**

Тошкент ш.

2022 йил « 23 » 12

Тошкент вилояти “Қурилиш Бош бошқармаси” кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб аталувчи ва Низом асосида фаолият кўрсатувчи бошқарма бошлиғи Э.Т.Пулатов бир томондан, ҳамда “ТошкентбошпланЛИТИ” ДУК, кейинги ўринларда “Лойиҳаловчи” деб аталувчи ва Низом асосида фаолият кўрсатувчи Бош директор ўринбосари Р.С.Шарифов иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

**1. Шартноманинг мазмуни**

1.1. “Лойиҳаловчи” буюрмачининг 2022 йил 20 декабрдаги танлов учун харид комиссиясининг №205109 лот бўйича ўтказилган баёнига асосан “**Чирчиқ шаҳри (Хамза МФЙ) бош режа схемалари ишлаб чиқиш**” мажбуриятини ўз зиммасига олади, “Буюртмачи” эса бажарилган ишларни қабул қилиб олиб, ишлар бўйича ҳаражатларни ўз вақтида тўлаб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. “Лойиҳаловчи” “Буюртмачи” томонидан тақдим этилган меъморий режалаштириш, лойиҳалаш топшириқларида кўрсатилган ишларни шартномаси асосидаги муносабатлар, Фуқаролик кодекси, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, шунингдек 2011 йилдаги Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари ва ҳудудий қисмларини ривожлантиришни режалаштириш бўйича шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқариш баҳосини аниқлаш бўйича вақтинчалик методик тавсиянома ва шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқаришда жорий нархлар ҳисобидаги вақт сарфи нормаларини ишлаб чиқариш ҳақидаги методик қўлланма ва мазкур шартноманинг ҳужжатларига асосланиб бажаради.

1.3. Бажариладиган ишларнинг мазмуни, нархи муддати қуйидаги иловаларда кўрсатиб ўтилган:

- шартнома нархининг келишув баённомаси ( 1-сонли илова)
- бажариладиган ишларнинг календар режаси; (2-сонли илова)
- шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳаражатлар сметаси ( 3-сонли илова).

**2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

2.1. “Буюртмачи”нинг мажбурияти:

2.1.1. “Лойиҳаловчи” ўз вақтида ишни бажариш учун керак бўладиган ва талаб қилинган лойиҳа олди ҳужжатлар, техник топшириқ ва бошқа бошланғич маълумотларни ўз вақтида бериш.

2.1.2. Бажарилган ишларни белгиланган тартибда қабул қилиб олиш.

2.1.2. Ишлар бажариб бўлинганидан кейин белгиланган нархнинг ҳаммасини Лойиҳачига тўлаш ёки ишларнинг айрим босқичлари тугалланганидан кейин нархнинг тегишли қисмини шартномада белгиланган муддатларда тўлаш;

2.1.3. Олинган шаҳарсозлик ҳужжатларини фақат шартномада назарда тутилган мақсадларда фойдаланиш, ҳужжатларини “Лойиҳаловчи”нинг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслиги ва ундаги маълумотларни ошкор қилмаслиги;

2.1.4. Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишда шартномада назарда тутилган ҳажмда ва шартларда “Лойиҳаловчи”га хизмат кўрсатиш;

2.1.5. Шаҳарсозлик ҳужжатларини тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан келишиш, зарур бўлганда “Лойиҳаловчи”ни жалб қилиш;



2.1.6. “Лойиҳаловчи”га боғлиқ бўлмаган ҳолатлар тўғрисида лойиҳа ишларини бажариш учун бошланғич маълумотлар ўзгариши билан боғлиқ кўшимча харажатларни “Лойиҳаловчи”га тўлаш;

2.2. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

2.2.1. Ишлаб чиқилган шаҳарсозлик ҳужжатлари камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво юзасидан ишда қатнашишга “Лойиҳаловчи”ни жалб қилиш.

2.2.2. Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш топшириғига асосан бажарилиши лозим бўлган иш талабга жавоб бермаса, яъни сифатсиз бўлса, “Буюртмачи” қабул қилмасликка ва сифатсиз бажарилган иш қисмини “Лойиҳаловчи”нинг ҳисобидан бепул қайтадан тўлик, сифатли, бажариб беришини талаб қилишга ҳақли бўлади.

2.3. “Лойиҳаловчи” мажбуриятлари:

2.3.1. Ишларни лойиҳалаш ҳақидаги топшириқ ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ бажариши;

2.3.2. Тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини буюртмачи билан келишиб олиши шунингдек, буюртмачи билан бирга тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан келишиб олиши;

2.3.3. Тайёр бўлган шаҳарсозлик ҳужжатларини шартномада белгиланган муддатларда буюртмачига топшириши;

2.3.4. “Буюртмачи”нинг розилигисиз шаҳарсозлик ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслик;

2.3.5. Мазкур шартнома бўйича бажариладиган ишларнинг бориши ҳақида талаб қилинган ҳолларда “Буюртмачи”га ахборот жўнатиш;

2.3.6. Буюртмачидан ишни бажариш учун керак бўладиган барча ахборотларни талаб қилиб олиш.

2.3.7. Бажарилган ишларни белгиланган тартибда ва муддатда топшириш.

2.4. “Лойиҳаловчи”нинг ҳуқуқлари:

2.4.1. “Буюртмачи” томонидан берилган топшириғи ва бошланғич маълумотлар ўзгарганда лойиҳа ҳужжатларига ўзгартириш киритиш;

2.4.2. Лойиҳа ишларини ишлаб чиқиш жараёнида “Буюртмачи” томонидан берилган топшириқга асосан бошланғич маълумотлар етказиб бериш, ҳамда олдиндан тўла кечиктирилса бажариладиган ишларнинг календар режасини ўзгартириш.

### 3. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби.

3.1. Лойиҳалаш ишлар кўйидаги шартлар асосида бошланади:

3.1.1. “Лойиҳаловчи”нинг ҳисоб рақамига олдиндан тўлов амалга оширилгандан кейин;

3.1.2. Лойиҳа ишларини амалга ошириш учун топшириқ тегишли тартибда келишилганда ва тасдиқлангандан кейин;

3.1.3. Лойиҳа ишларини бажариш учун бошланғич ҳужжатлар топширилгандан кейин;

3.1.4. Мазкур ҳужжатлар тақдим этиш кечиктирилганда ишнинг бажариш муддати ҳам узайтирилади;

3.1.5. “Лойиҳаловчи” ишларни (ёки тегишли босқичини), бажариб бўлгандан кейин “Буюртмачи”га топшириш-қабул қилиш далолатномаси билан биргаликда илова қилинган

3 (уч) нусхада лойиҳа-смета ҳужжатлар тўпламини тақдим этади.



3.1.6. “Буюртмачи” бажарилган ишларни топшириш–қабул қилиш далолатномасини қабул қилиш мажбуриятини олади ва “Лойиҳаловчи”га имзоланган, ёки асосли эътироз билдирилган топшириш–қабул қилиш далолатномасини жўнатади.

3.1.7. Бажарилган ишларни топшириш–қабул қилиш давомида “Буюртмачи”нинг асосли эътирози бўлса, камчиликлар рўйхати ва уларни бартараф этишнинг аниқ муддатини белгилловчи икки томонлама далолатнома тузилади.

3.1.8. Бажарилган иш ҳажми “Буюртмачи” томонидан эътирозсиз тўлиқ қабул қилиб олингандан сўнг “Буюртмачи” далолатномани имзолаб, 10 кун муддатда “Лойиҳаловчи”га далолатномада кўрсатилган маблағнинг тўлиқ тўлаб бериши шарт.

3.1.9. Агар “Буюртмачи” бажарилган ишларни топшириш–қабул қилиш далолатномасига имзо чекмаса, эътирозини билдирмаса, “Буюртмачи” томонидан иш қабул қилинган ҳисобланади ва тўлов учун асос бўла олади.

#### 4. Шартнома нархи ва ҳисоб-китоб тартиби

4.1. Бажариладиган ишларнинг қиймати томонлар ўртасида имзоланган келишув баённомаси асосида 9 000 000 (Тўққиз миллион) сўмни (15% ҚҚС билан) ташкил этади.

4.2. Бажариладиган ишлар баҳоси ушбу шартномага қўшимча келишув асосида ўзгартирилиши мумкин.

4.3. “Буюртмачи” “Лойиҳаловчи”га шартномани белгиланган тартибда ҳудудий Ғазначилик рўйхатидан ўтказилгандан сўнг 3 (уч) банк кунда шартнома қийматининг 30 фоиздан кам бўлмаган миқдорида бўнак (аванс) тўловини амалга оширади.

4.4. Тўловнинг қолган қисми амалда бажарилган ишлар далолатномаси, ҳисоб-фактура асосида 5 (беш) банк кунда “Лойиҳаловчи”нинг ҳисоб рақамига ўтказиб берилади.

4.5. Бажариладиган иш ҳажмининг умумий қиймати Республикамиз миллий валютаси сўмда белгиланади.

4.6. Бажариладиган ишнинг қиймати, нархи ошганлиги натижасида ўзгарганда, “Буюртмачи”ни олдиндан хабардор қилиб, ўзгарган нарҳини асослаган ҳолда иш бажарилади.

4.7. «Буюртмачи» ўзгарган нархлар асосида қўшимча тўловларни бюджетда кўрсатилган лимит доирасида шартномага қўшимча келишувлар тузилиши асосида амалга оширади.

4.8. Лойиҳа-смета ҳужжатларининг аниқ нархи давлат экспертиза кўригидан ўтказилганидан сўнг, уларнинг ҳулосаси асосида аникланади.

4.9. “Буюртмачи” ўз вақтида олдиндан тўланиши лозим бўлган тўловнинг санаси шунингдек, бирламчи маълумотларни тўлиқ тақдим этган муддатига қараб, ишларни яқунлаш муддатини икки томон келишувига асосан ўзайтиради.

#### 5. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Мазкур шартнома мажбуриятларини бажармаган томон Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида жавобгарликка тортилади.

5.2. “Буюртмачи” олган мажбуриятини бажармаган тақдирда “Лойиҳаловчи”га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,2 фоиз миқдорида пеня тўлайди. Аммо бунда пенянинг умумий миқдори бажарилмаган иш ёки кўрсатилмаган хизматнинг 20 фоиздан ортиб кетмаслиги керак.



5.4. “Лойихаловчи” шартномада кўрсатилган мажбуриятини бажаришда, олган мажбуриятларини бузганлиги учун “Буюртмачи”га ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,2 фоиз миқдориди пеня тўлайди. Аммо бунда пенянинг умумий миқдори бажарилмаган иш ёки кўрсатилмаган хизматнинг 20 фоизидан ортиб кетмаслиги керак.

5.5. Бажарилган ишлар (боскичлар)да камчилик ва нуқсонлар пайдо бўлганда “Лойихаловчи” уларни бегараз бартараф этиш мажбуриятини олади.

5.6. Агар шартнома шартларининг бузилиши енгиб бўлмайдиган ҳолатлар (форс-мажор) натижасида юзага келса томонлар ўз ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси қонунчилик меъёрлари асосида иш кўради.

5.7. Агар ишларни бажариш жараёнида кейинчалик уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги маълум бўлиб қолса, томонлар 5 (беш) иш кун мобайнида бир-бирларини ишлар тўхтатилганлиги ҳақида хабардор қилишлари шарт ва 10 (ўн) иш кун мобайнида ишларни давом эттириш учун мақсадга мувофиқ бўлган йўналишларини оидинлаштирувчи масалаларни кўриб чиқишлари керак. Ишлар тўхтатилган ҳолларда томонлар учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган мажбуриятлар юкланади.

5.8. Шартномани ижро этмаганлиги ёки етарли даражада бажармаганлиги учун жавобгарлик агар шартномада ўзгача ҳолат кўзда тутилмаган бўлса Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқи базаси тўғрисида”ги қонуннинг 25–32–моддаларига асосан жавобгарлик чоралар қўлланилади.

5.9. Томонлар низолар бўйича келиша олмаган ҳолда Тошкент туманларар иқтисодий судига мурожат қилиш ҳуқуқига эга.

## **6. Бартараф этилиб бўлмайдиган куч ҳолати (форс - мажор)**

6.1. Агар томонлар мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолиши табиий ҳодисалар, ҳарбий ҳаракатлар ва бошқа бартараф этиб бўлмайдиган кучли сабабли содир бўлган бўлса, ҳамда бу ҳолат мазкур шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган бўлса, томонлар мазкур шартнома бўйича мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолгани учун жавобгарликдан озод бўладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларнинг ижро муддати бартараф этиб бўлмайдиган вазият, шунингдек вазият келтириб чиқарган оқибат натижасига мос равишда орқага сурилади.

6.2. Агар бартараф этиб бўлмайдиган куч вазияти ёки унинг оқибатлари 3 ойдан ортиқ вақтга чўзиладиган бўлса, “Лойихаловчи” ва “Буюртмачи” лойиха давом эттириш ёки номаълум вақтга тўхтатиш учун чора тадбирлар кўришни муҳокама қиладилар.

Агар томонлар 1 ой мобайнида бир тўхтамга кела олмасалар, томонларнинг қайсиси шартномани бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидур.

6.3. “Буюртмачи” тўлов шартларини ўз вақтида бажармаслиги “Лойихаловчи” учун “форс-мажор” ҳолатига тенг ҳисобланади.



## 7. Қўшимча шартлар

7.1. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган томонларнинг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунига, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига асосан белгиланади.

7.2. Томонлар ўзларининг юридик ва банк реквизитлари ўзгарган тақдирда, бир-бирларини 3(уч) банк куни ичида хабардор қилишлари шарт.

7.3. Шартномани тузиш, ижро этиш, ўзгартириш ва бекор қилиш, шунингдек келтирилган зарарни қоплаш вақтида томонлар ўртасида вужудга келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда Тошкент иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

## 8. Шартноманинг амал қилиш муддати ва шартлари

8.1. Мазкур шартнома томонлар имзо чекиб, Ҳазначилик бўлиmidан рўйхатдан ўтказгандан кейин 2022 йил 31 декабрга қадар ўз кучида бўлади.

8.2. Мазкур шартноманинг муддати тарафлар мажбуриятини тўлиқ бажаришдан овоз этиш учун асос бўла олмайди.

8.3. Мазкур шартнома 2 нусхада тайёрланади ва ҳар бири бир хил юридик кучга эга бўлиб, тарафларнинг ҳар бирида бир нусхадан сақланади.

## 9. Коррупцияга қарши қўшимча шартлар

9.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

9.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

9.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтида бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ ҳолда қонунга хилоф равишда пул, моддий қимматликлар берилмаганлигини, тақлиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмамаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши ёки қилиши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг ушбу ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

9.4. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги фактлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга таъйиқ ўтказмаслигини ва бошқа салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

9.5. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан





қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чорала кўрилмаганда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

#### 10. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми

- 10.1. Шартнома нархининг келишув баённома ( 1-сонли илова)
- 10.2. Бажариладиган ишларнинг календар режаси; (2-сонли илова)
- 10.3. Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳаражатлар сметаси ( 3-сонли илова).

#### 11. Томонларнинг реқвизитлари

**Бош лойиҳа ташкилоти**

**“ТошкентбошпланЛИТИ” ДУК**

Манзил: 100100, Тошкент ш.  
Бобур кўчаси, 14  
Тел.: 215-62-55; факс: 255-69-82  
х/р: 2021 0000 0001 7697 0001;  
МФО 01098; “Трастбанк” ЧАБ  
Тошкент ш. Яккасарой тумани  
СТИР: 200 624 959;  
ОКЭД 71110; РКП НДС: 326 040 006 510

**Буюртмачи**

**Тошкент вилояти**

**“Қурилиш Бош бошқармаси”**

Манзил: Тошкент ш. Х.Байқаро кўчаси, 4-

Тошкент вилояти Қурилиш бош бошқармаси  
Нурафшон шаҳар Тошкент йўли кўчаси 90-уй.  
Тел.: (95) 145-28-30  
Ш/х 1000 21860 2740170408051 30038.  
Ш/х \_\_\_\_\_  
ИНН: 201991914  
Тошкент вилояти бўйича Газначилик бошқармаси  
МБ Тошкент шаҳар ББ ҳисоб китоб касса маркази  
Х/Р 2340 2000 3001 0000 1010  
СТИР: 201991 914; Н: 201122919

РКП НДС:



Р.С.Шарифов



Э.Т.Пула



*Handwritten signature in blue ink.*

2022 йил «23» 12 даги  
205109.-сонли шартномага 1- сонли илова

Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун шартнома нарҳи бўйича келишув

### БАЁННОМАСИ

Биз, қуйида имзо қўювчилар, “Буюртмачи” томонидан Тошкент вилояти “Қурилиш Бош бошқармаси” номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи бошқарма бошлиғи Э.Т.Пулатов ва “Лойиҳачи” томонидан “ToshkentboshplanLITI” давлат унитар корхонаси номидан Низом асосида иш юритувчи Бош директор ўринбосари Р.С.Шарифов, шартномада лойиҳалаш объекти “**Чирчиқ шаҳри (Хамза МФЙ) бош режа схемалари ишлаб чиқиш**” объекти учун шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш мажбуриятини олади, шу жумладан: 2022 йил «23» 12 даги 205109-сонли шартнома баҳоси 15% ҚҚС билан Бажариладиган ишларнинг қиймати томонлар ўртасида имзоланган келишув баённомаси асосида 9 000 000 (Тўққиз миллион) сўмни (15% ҚҚС билан) ташкил этади.

сўмни сўмни ташкил этади.

Ушбу баённома Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун асос ҳисобланади.

“Лойиҳачи”

“Буюртмачи”

“ToshkentboshplanLITI” ДУК

Тошкент вилояти  
“Қурилиш Бош бошқармаси”

Бош директор  
ўринбосари

Р.С.Шарифов

Бошлик

Э.Т.Пулатов



2022 йил «23» 12 даги  
205109 -сонли шартномага 2-сонли илова

**“Чирчиқ шаҳри (Хамза МФЙ) бош режа схемалари ишлаб чиқиш”**  
Объектининг шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқиш учун  
**КАЛЕНДАР ИШ ЖАДВАЛИ**

т/р	Ишнинг номланиши	Ишнинг муддати (бошланиши ва якулланиши)	Ишнинг нарх қиймати сўм
	2	3	4
	“Чирчиқ шаҳри (Хамза МФЙ) бош режа схемалари ишлаб чиқиш”	Бошланиши: Буюртмачи томонидан бошланғич тўлов ва дастлабки маълумотлар тақдим этилгандан сўнг. Якулланиши: 31.12.2022й.	9 000 000 (Тўққиз миллион) сўм.

Жами: 15% ҚҚС билан 9 000 000 (Тўққиз миллион) сўм.

Лойихачи

“ToshkentboshplanLITI” ДУК

Бош директор  
ўринбосари



Р.С.Шарифов

Буюртмачи

Тошкент вилояти  
“Қурилиш Бош бошқарма

Бошлик



Э.Т.П.



205109 = 134/554

2022 йил «3» 12 даги  
205109 -сонли шартномага 3-сонли илова

Объектни номланиши: “Чирчик шаҳри (Хамза МФЙ) бош режа схемалари ишлаб чиқиш” объектининг лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш.

Лойиҳа тадқиқот ишлари учун

СМЕТА ҲИСОБИ

№	Иш турлари	Асос	Нархнинг келиб чиқиши	Қиймат сўм.
	2	3	4	5
	“Чирчик шаҳри (Хамза МФЙ) бош режа схемалари ишлаб чиқиш” объектининг лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш.	Буюрмачининг 2022 йил 20 декабрдаги танлов учун харид комиссиясининг №205109 лот бўйича ўтказилган баёнига асосан		
Буюрмачининг 2022 йил 20 декабрдаги танлов учун харид комиссиясининг №205109 лот бўйича ўтказилган баёнига асосан				
	Лойиҳа қиймати:			7 826 087
	15% ҚҚС			1 173 913
	Ҳаммаси ҚҚС билан:		7 826 087+1 173 913=	9 000 000

Жами: 15% ҚҚС билан 9 000 000 (Тўққиз миллион) сум.

Бош директор ўринбосари

Р.С. Шарифов



Лойиҳанинг бош муҳандиси

Ж.Мусаев

